



**НАСРИЙ АСАРЛАРДА АМИР ТЕМУР ОБРАЗИ
("Вафо маликаси" романи ва "Ҳумоюн қабул" ҳикояси
мисолида)**

Машрабов Азиз Ахмедович

Фарғона вилояти Бағдод тумани 35-ИДУМ ёшлар етакчиси,
ibroximovakmaldin@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6425088>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 15-dekabr 2021

Ma'qullandi: 15-yanvar 2022

Chop etildi: 5-fevral 2022

KALIT SO'ZLAR

сюжет меҳвари, икки қаҳрамон теварагида, Ўлжой Туркон оқа, чумоли эпизоди, маънавий қиёфаси, ижодкор маҳорати, Ҳофиз Шерозий, Амир Темур, тарихий воқеа.

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада ўзбек адабиётида Тўлқин Ҳайитнинг "Вафо маликаси" романи истиқлол даврида яратилган асарлар орасида бадиий жиҳатдан анча бақувват ва тарих тўғри ҳамда ҳаққоний акс эттирилган асарлар сирасига кириши, шу билан биргаликда, Тўлқин Ҳайитнинг ушбу тарихий мавзуда самарали ижод қилганлиги, ижод маҳсули сифатида тарихий мавзуда асар ёзганлиги бу роман "Турон тунлари" романи "Вафо маликаси" романининг тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи наشري эканлиги ҳамда Соҳибқирон Амир Темурнинг Туронни озод этиши, юрт шухратини тиклаш учун мамлакат тепасига келиши ҳақидаги башоратлар тарихий ҳақиқат аспектида акс эттирилиши, ҳамда Урфон Отажоннинг "Ҳумоюн қабул" ҳикоясида Соҳибқирон характерини яратиш билан боғлиқ масалалар таҳлилга тортилгани билан аҳамиятлидир.

Халқимиз ўзининг асрий орзуси - мустақилликка эришганидан кейин адабиёт бўстонида миллий қадриятларимиз ва улуғ ўтмишдошларимизни улуғлаш мавзусидаги асарлар пайдо бўла бошлади. Истиқлолимиз даврида яратилган асарлар орасида ёзувчи Тўлқин Ҳайитнинг Темур мавзусига бағишланган «Вафо маликаси» романи бадиий жиҳатдан алоҳида ўринни эгаллайди. Асар Соҳибқирон Амир Темурнинг вафодор хотини Ўлжой Туркон оғага бағишланади. Асар сюжети меҳварида Соҳибқирон Амир Темур ва рафиқаси Ўлжой Туркон оға тимсоли туради. Барча воқеалар айнан ана шу

икки қаҳрамон теварагида бўлиб ўтади. Воқеалар ривожини Соҳибқирон Амир Темурни имтиҳон этиш билан бошланади. Ёзувчи ўша лавҳа тасвири билан ҳазрат характеридаги зукколик, донолик каби фазилатларни акс эттиради. Воқеалар жараёнида Соҳибқироннинг Туғлуқ Темур қўшинларини чалғитиш мақсадида ўйлаган ҳийласи ҳам ёритилади. Муаллиф икки дилнинг кўнгил дардларини бадиий бўёқларда шунчалик тасвирлайдики, беихтиёр қаҳрамонлар дардини ўз дардингиз сифатида қабул қиласиз.

«Вафо маликаси» романи ёзувчининг «Турон тунлари» асарининг



қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашридир. Амир Соҳибқироннинг зийраклиги сабаб Амир Қазаған ўлимдан қутилиб қолгани тасвирланади. Романда гулзор лавҳасини акс эттириш орқали ёзувчи ўша даврда инсон меҳнатининг қадрсизлигига ишора қилган. Асарда воқеалар тасвири асосида Соҳибқирон Амир Темурнинг Туронни озод этиши, юрт шухратини тиклаш учун мамлакат тепасига келиши ҳақидаги башоратлар тарихий ҳақиқат аспектида келтирилади. Романда тасвирланган чумоли эпизодик лавҳаси айниқса, ишончли чиққан.

Бу эпизодик лавҳа кишини ҳар қандай оғир дамларда ҳам умидсизликка тушмасдан, сабр-матонат билан олға ҳаракат қилишга ундайди. Муаллиф оддий суҳбат жараёнида Амир Ҳусайннинг Амир Темурга бўлган пинҳона адоватини китобхон кўз ўнгида гавдалантириб бера олган. Амир Ҳусайннинг хислатлари китобхон қалбида нафрат уйғотса, Соҳибқироннинг зийраклиги, мулоҳазакорлиги, вазиятга қараб иш тутта олиши унга нисбатан ҳурмат ҳисларини ўн чандон оширади. Амир Сайфиддин образи кейинчалик Соҳибқироннинг хос мулозимидаражасига кўтариладиган Мамат хусусиятининг баъзи қирраларини очишда ёрдам берган.

Романнинг баъзи саҳифаларида «Турон тунлари» асарида тасвирланган лавҳаларга ўхшаш ўринлар ҳам мавжуд. Масалан, «...Сен ҳам қуёшдан ўрнак олсанг бўлмасми? Нечун ёмонликни истаб қолдинг, шамол? Инсоннинг ўзи айбдор дейсанми? Унинг туғилиши бир хил, қалби эса бешқўлга ўхшайди,

бирининг ўйи иккинчисига тўғри келган эмас. Уларнинг бари хом сут эмган бандалардир. Мукаммал инсонни қидириб овора бўлма! Мукаммалликка интилган одамниям улар расво этадилар» лавҳаси ҳар иккала асардан ҳам ўрин олган.

Бизнингча, айнан ўхшаш лавҳалар асарнинг ўқишлилигини пасайтиради. «Вафо маликаси» асари воқеалари ривожда Амир Ҳусайннинг пасткашлиги, очкўзлиги, тубанлиги очила боради. Ўлжой Туркон оға билан Соҳибқироннинг пок муҳаббатлари ёрқин рангларда акс эттирилган бўлса, Ўлжой Туркон оға билан Мамат мусоҳабасида оқила ва доно аёлнинг ички дунёси ёритилган. Романдаги олтмиш икки кун асирликда ётиш лавҳаси, айниқса, китобхон томонидан мароқ билан ўқилади. Соҳибқирон иродаси ва

Амир Ҳусайн маънавий дунёси яна бир бор китобхон кўз ўнгида намоён бўлади. Оғир дамларда умидсизликка тушмай ишонч, сабр-қаноат билан гузаронлик қилган Соҳибқирон ҳаракатлари беихтиёр китобхон томонидан олқишланади. Ёзувчи Ўлжой Туркон оғанинг Соҳибқиронга Румий ҳақида деганлари, бошқа кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирганлигини асарда акс эттириш орқали Соҳибқирон Амир Темурнинг юксак мартабага эришишида шу ожизанинг ҳам муносиб ўрни борлигини алоҳида таъкидлаган. Асар композицияси тўғри қурилган. Тўлқин Ҳайит «Вафо маликаси» асари билан садоқатли рафиқа Ўлжой Туркон оғанинг маънавий қиёфаси ва характери қирраларини очиб берган. Асар энгил ўқилади, тили содда ва тушунарли. Бу ҳолат муаллиф



иктидорининг юксаклигидан далолатдир.

Хулоса қилиб айтганда, Тўлқин Ҳайит романи Амир Темур мавзусига бағишланган айни шу даврда яратилган бошқа романлардан асар услубининг энгиллиги, тилининг содда ва латофатлилиги, халқона тасвирларга бойлиги билан ажралиб туради.

Тўлқин Ҳайит Темурийларга бағишланган иккинчи «Вафо маликаси» романини ёзиб, унда бевосита Соҳибқироннинг маънавий дунёси, вафодор ва садоқатли хотини Ўлжой Туркон оғанинг ёрқин сиймосини тасвирлашни асосий мақсад қилиб олган. Амир Темурдек миллат қаҳрамонининг тарихий ёрқин қиёфаси, бадий образининг янги қирраларини кашф этишга ҳаракат қилинганлиги асарни ўрганиш мобайнида сезилади.

Ўзбек насрида Амир Темур шахси ва фаолиятининг барча қирраларини кенг эпик планда акс эттириш эндигина адабий таомил даражасига кирмоқда. Таҳлилга тортилган романнинг мавзу ва мундарижаси, ғоявий ва бадий жиҳати шуни англатадики, ҳали Соҳибқирон ҳақида кўплаб янги-янги роман ва эпопеялар яратилиши мумкин. Шу ўринда кичик насрий асарлар туркумига кирувчи ҳикоя жанрида яратилган асарларда тарихий шахс образининг яратилиши билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этишга тўғри келади. Тарихий шахслар образини ўзгача назорат билан тасвирланган ҳикоялар сирасига Урфон Отажоннинг "Ҳумоюн қабул" ҳикояси ҳам киради.

Таниқли инглиз адибаси Ҳильда Ҳукҳем Амир Темур сиймосини тасвирлашда Ибн Арабшоҳ ёзиб қолдирган куйидаги таърифни

келтиради: «Темур қадимги амалекитлар янглиғ тик қоматли, баланд бўйли, пешонаси кенг, боши катта, метин табиат бир одам эди. Унинг юзи оқ-қизил бўлиб, очиқ ҳавода кўп юрса-да, офтобда қораймагани. Унинг аъзойи бадани пишиқ-пухта, елкалари кенг, бармоқлари узун ва ингичка, оёқлари узун бўлиб, қадди-қомати келишган эди. У ўнг томонга қараб оқсоқланарди. Кўзлари худди ёниб турган шамга ўхшаса-да, лекин қаттиқ йилтирамас эди. У ўлимдан кўрқмас, ҳатто умрининг охирида (69 ёшида) ҳам хотираси тиниқ, жисми пишиқ-пухта, жасорати ва метин табиати билан қудратли қояни эслатарди. Бир қарашдаёқ масаланинг туб моҳиятини илғаб оладиган, кузатувчан, мунозара қилиш санъатини сув қилиб ичиб юборган. Темур ҳеч қачон хом хаёлга берилмас, орзулари рўёбга чиқмаса, буни яшириб ўтирмас ва тузган режасини ўзгартирмас эди. У ҳақ сўз билан уйдирма гап ўртасидаги фарқни эшитгани ҳамано аниқ ажрата оларди, шунингдек, у ўз муғомбирлиги билан самимий маслаҳатгўйни мунофиқ фирибгардан бир қарашдаёқ фарқ қила оларди. Агар у бирон буйруқ бергудек бўлса, ёки бирон ишни бажариш ҳақида ишора қилса, бу нияти ё буйруғини ҳеч қачон ўзгартирмас эди. Ана шунинг учун ҳам у Етти иқлимнинг Музаффар султони, соҳибқирон, деб ном олган эди».

Амир Темурнинг ислом дини уламолари, дарвешлар, авлиёларга ҳурмати баланд бўлганлигини ва уларни қадрлаганлигини Ҳильда Ҳукҳем алоҳида лавҳаларда исботлайди. Муаллиф Ҳофиз Шерозий билан Амир Темур ўртасидаги ривоятларга



айланган мулоқотни айнан келтирган: «Айтишларига қараганда, Темур шоирни ўз ҳузурига чақиртирибди-да, ғазаб билан дебди: «Мен доруссалтана Самарқанд билан Бухорони обод қилмоқ учун Ер куррасининг талайгина қисмини фатҳ қилдим, минглаб шаҳарларни ва ўлкаларни вайронага айлантирдим, сен нобакор бўлсанг, ўшал шерозлик жононнинг биттагина холига бу шаҳарларни бахш этадиган бўлдингми?».

Айни учрашув ўзбек адиби Урфон Отажоннинг «Ҳумоюн қабул» асарида эса назокат билан чизилган:

«- Сиз мадҳ этмиш Самарқанд мевалари Шероз мевалари каби бағоят тотлидир, - дея сўз бошлади Амир Темур Ҳофизга қараб. - Мавлоно, мен икки кун шаҳарни сайр қилдим, аммо ғазалларингизда васф қилинмиш Шерозни кўрмадим.

- Амирим! Ул ғазал ёзилган даврда Шероз дилкушо эрди, бунга кўп йиллар бўлди, - маъюс жавоб берди Ҳофиз».

Сухбат асносида Амир Темур Ҳофиз Шерозий ғазалларидаги айрим куфр ўринларга урғу беради, буюк шоир уларни тасаввуфий мазмунда эканини айтиб, ўз талқинини баён қилади. Ниҳоят, сўз Ҳофизнинг машҳур ғазалидаги Самарқанду Бухорога кўчади:

- Мавлоно, - Ҳофизга мурожаат қилди соҳибқирон. - Сизнинг бул ғазалда ёдга олганингиз Самарқанду Бухорога таклиф қилурман. У ерларнинг гўзал боғлари, олий иморатларини ўз кўзингиз ила кўрурсиз...

- Ташаккур, амирим! Қариб қолдим, хастаҳолмен. Узоқ сафарга чиқмоғим мушкулдур. Йигитлик чоғларимда Бухоро ва Самарқандни, Шошни кўрмоқ

орзуим бор эди. Афсус, боролмадим. Энди эса қарилик оёқларимга кишан бўлмиш.

- Пирим Зайниддин Тойободий Сизни Шоҳ Шужоъ таъқибидан қутқармишлар. Аммо ашъорингиз мафтункор ва шириндур, мавлоно. На илож ихтиёр Сизда, - деди Амир Темур».

Ҳофиз Шерозий Амир Темурнинг ранжиганини сезади ва ўзи китобат қилган Хусрав Деҳлавий «Хамса»сини султон соҳибқиронга совға қилади. Кўринадики, инглиз адибаси келтирган қаҳр ва ғазаб ушбу тасвирда йўқ. Амир Темур ғоят лутфкорлик билан Ҳофизга унинг янглишганини эслатади.

Ҳильда Хукҳэм Темурнинг кечиримли бўлишлигини айни Ҳофиз билан бўлган суҳбатида эмас, балки Тўхтамиш билан боғлиқ муносабатларида кўрсатади: «Соҳибқирон Ўрусхонга қарши курашда ўз тарафида Оқ Ўрда аслзодаларидан иттифоқчи пайдо бўлганидан фақат қувонди, албатта. Зеро, Ўрусхон сиёсий мухолиф бўлишдан ташқари ўз ҳузурига қочиб борган исёнчи жалойирларга ҳам бошпана берган эди. Темур Тўхтамишни худди ўз ўғлидай кутиб олди. У шаҳзодага олтин буюмлар, қимматбаҳо совғалар, отлар, қурол-аслаҳа, фахрли либослар, заррин камарлар, бебаҳо тақинчоқлар, туялар, ўтов ва чодирлар, қуллар инъом этди. Мовароуннаҳрнинг Оқ Ўрдага туташган сарҳадидаги Ўтрор ва Сиғноқ Тўхтамишга ҳадя этилиб, унинг ихтиёрига лашкар ҳам берилди. Тўхтамиш бир неча бор Ўрусхонга ҳужум қилиб кўрди, аммо ҳар гал мағлубиятга учради. Лекин Темур ҳар бир муваффақиятсизликдан сўнг бу тутинган ўғли ихтиёрига яна янги-янги



лашкар берар ва янада кўпроқ совға-саломлар инъом этарди».

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг қаламига мансуб "Улуғ салтанат" романининг 2006 йилги нашрида инглиз адабаси Ҳильда Ҳукхэмнинг «Етти иқлим султони» хужжатли маърифий қиссасида учраганидай, муаллиф Амир Темур ва Ҳофиз Шерозий учрашувини ёритган. Айтиш керакки, бу тарихий воқеани ўзбек адаблари ичида Урфон Отажончалик («Хумоюн қабул» ҳикояси) ҳеч ким назокат билан тасвирламаган.

Муҳаммад Али эпизодида эса ижод аҳлининг беғубор қалби, саховатпешалиги рўй-рост тасвирланган. Демак, шундай хулосага келиш мумкинки, инглиз адабасида бу воқеани тасвирлашда ғазаб оҳанглари сезилса, Урфон Отажонда ўзгача назокат билан акс эттирилган бўлса, муаллифда эса рўй-рост, очиқ ёритилган: «...Кўнглидан, «Ўксинма, эй Ҳофиз, ҳатто подшолар ҳам байтингни айтиб юрадилар...» қабилида фикр ўтди... - Ўрнидан туриб таъзим қилди-да, ювилавериб ранги кетиб қолган ҳирқасини ечиб, яланғоч қоқ кўкрагини кўрсатди ва деди: - Амир соҳибқирон! Рост дедингиз! Саховатда Ҳотами Той ҳам ортда қолиб кетганлиги рост. Ахир Ҳотами Той яланғоч юрмаган... Каминани кўрингиз! Кўлимнинг очиқлигидан, сахийлигидан шу қадар камбағал бўлиб қолдимки, ҳатто кийгани яктагим ҳам йўқ!..»

Кўринадикки, ушбу тарихий воқеа адабларда турлича талқин қилинган. Албатта, Соҳибқирон Амир Темур характерининг бутун қирраларини кичик ҳикояда ёритиб бериш мушкул

вазифа ҳисобланади. Аммо, Урфон Отажон бу вазифани шараф билан уддалагани келтирилган асосли таҳлиллардан ҳам кўриниб турибди. Ўйлаймизки, Соҳибқирон шахсиятининг бутун жиҳати ёритиладиган насрий асарлар ҳали ўзбек адабиётида кўплаб яратилади ва бу асарларнинг яратилиши Соҳибқирон Амир Темур фаолиятини ўрганиш борасида муҳим илмий тадқиқотларнинг олиб борилишига замин ҳозирлайди.

